



НОКИМИ

ҲОКИМИ

ҚАРОР - ҚАРОР

2010 yil "27" декабр

№ 1700-К
Samarqand tumani

“Фуқаро Солеева Мамлакатга “Улуғбек”
қишлоқ фуқаролар йиғини “Бўзи” маҳалласи
худудидан нонвойхона қуришга ер майдони
ажратиш тўғрисида”

“Улуғбек” қишлоқ фуқаролар йиғини “Бўзи” маҳалласида яшовчи фуқаро Солеева Мамлакат туман ҳокими номига ариза билан мурожаат қилиб, тумандаги “Улуғбек” қишлоқ фуқаролар йиғини “Бўзи” маҳалласи худудидан нонвойхона қуришга ер майдони ажратишни сўраган.

Юқоридагиларни, вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг 2010 йил 9 ноябрдаги 1057 сонли Давлат экологик экспертиза хулосаси, туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномасини далолатномаси, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг 2010 йил 3 декабрдаги 156 сонли хулосасини инobatга олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Шаҳарсозлик кодекси”нинг 20 моддаси ва “Ер кодекси”нинг 23 моддасига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. “Улуғбек” қишлоқ фуқаролар йиғини “Бўзи” маҳалласида яшовчи фуқаро Солеева Мамлакатга шу маҳалла худудидан нонвойхона қуриш учун 0.04 га қишлоқ хужалигида фойдаланмайдиган туман захира ерлари ҳисобидан ер майдони ажратиш ҳақидаги туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг хулосаси ҳамда туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Солеева Мамлакатга нонвойхонани қуришдан олдин қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 8, 39, 54 моддаларига амал қилган ҳолда архитектура талаблари топшириғи (АРТ), лойиҳа хужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиши экспертизаси рўйхатидан ўтказиш юклатилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси “Солиқ кодекси”га асосан ер солиғини ундириш ва туман захира ер балансига ўзгартириш киритиш ҳамда ер майдонларига эгалик қилиш ва ундан доимий фойдаланиш ҳуқуқини давлат рўйхатига олиб, тегишли давлат хужжатларини бериш туман Давлат солиқ инспекцияси (О.Исмоилов) ва туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Ш.Бурхонов) га топширилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Қодиров зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б.Садуллаев



ҚАРОР - ҚАРОР

2012 yil "27" декабр

№ 1705-К
Samarqand tumani

Тумандаги «Каттакўрғонарик» қишлоқ фуқаролар йиғини «Юқори Хўжасоат» маҳалласида яшовчи фуқаро Тоиров Қаҳрамонга тегишли уй-жойининг бир қисмини турар жой тоифасидан нотурар жой тоифасига ўтказиш хақида

Тумандаги «Каттакўрғонарик» қишлоқ фуқаролар йиғини «Юқори Хўжасоат» маҳалласида яшовчи фуқаро Тоиров Қаҳрамон туман ҳокими номига ариза билан мурожаат қилиб, туман ҳокимининг 2010 йил 8 ноябр 1376-Қ сонли қарорига асосан унга тегишли бўлган уй жойини бир қисмини турар жой тоифасидан нотурар жой тоифасига ўтказиб беришни сўраган.

Юқоридагиларга асосан, фуқаро Тоиров Қаҳрамонга тегишли уй-жойига таёрланган туман ер тузиш ва кучмас мулк кадастри хизмати Давлат унитар корхонасининг маълумотномаси ва барча тегишли ташкилотларнинг хулосаларини, оила аъзоларининг розилик хатлари ҳамда тақдим этилган ҳужжатлар тўпламини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Уй-жой кодекси»нинг 15-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сонли «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Низомига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тумандаги «Каттакўрғонарик» қишлоқ фуқаролар йиғини, «Юқори Хўжасоат» маҳалласида яшовчи фуқаро Тоиров Қаҳрамонга тегишли умумий 445,12 м.кв. ер майдонида жойлашган уй-жойнинг қурилиш тагидаги ер майдони 250,52 м.кв. дан иборат, шундан А-6 литердаги 1-та яшаш хонаси 36,68 м.кв. жами: 36,68 м.кв қисми (савдо дўкони сифатида фойдаланиши учун) нотурар жой тоифасига ўтказилсин.

2. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан, туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини Давлат рўйхатдан ўтказиш инспекцияси (Н.Бердиев)га, туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати давлат унитар корхонаси (Т.Шаропов)га, туман давлат солиқ инспекцияси (О.Исмоилов)га, туман статистика бўлими (Ж.Зарипов)га ҳамда тумандаги «Каттакўрғонарик» қишлоқ фуқаролар йиғини (К.Мамедов)га фуқаро Тоиров Қаҳрамонга тегишли уй-жойни бир қисмини нотурар жой тоифаси (савдо дўкони)га ўтказилиши муносабати билан ўрнатилган тартибда рўйхатга олиб, тегишли ҳужжатларини расмийлаштириш ва туман ҳокимлигига ёзма равишда маълумот тақдим этиш вазифаси топширилсин.

3. Фуқаро Тоиров Қаҳрамон зиммасига: а) савдо дўконнинг ташқи кўринишини лойиха асосида архитектура талабларига риоя қилган ҳолда бинони конструктив қисмини бузмаслик, санитария, гигиена ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш; б) кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш ва гувоҳномасини олиш; в) тадбиркорлик фаолияти доирасида иш олиб бориш учун амалдаги қонунларга асосан, ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтиб, махсус гувоҳномага биноан ўз фаолиятини олиб бориш юклатилсин.

4. Мазкур қарор рўйхатга олинган кундан бошлаб қонуний кучга қиради.

5. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Қодиров зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б.Садуллаев